

ТОПОНИМИКАНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ВА ЎЛКАШУНОСЛИК БИЛАН АЛОҚАДОРЛИГИ

Бектурдиев Ш., ГулДУ ўқитувчиси

Ҳар қандай шаҳар ёки туман ўз ўтмиши билан бой. Ўтмиш эса ёзма ёдномаларда, меъморлик ёдгорликларида, халқнинг асл фарзандлари ҳаёт дафтарларида, шунингдек жуғрофий номларда муҳрланиб қолган. Ҳар бир шаҳарнинг иқтисодий, миллий, табиий хусусиятлари ҳақида унинг топонимик номларига қараб ҳам тасаввур қилиш мумкин. Чунки бу номлар асрлар давомида яхши-ёмон кунларни муҳрлаш учун халқнинг юрагидан чиққан сўзлардир; сўз бўлганда ҳам оддий сўз эмас, бирдан ортиқ таркибий қисмдан иборат атоқли отдир. Топонимика кучи худди шу ерда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисани шу ерда яшаб ўтган ва халқ дилида жо бўлган заҳматкаш ёки фидо киши хотирасини, теварак-атрофда кўп учрайдиган ва бирон жихати билан фойдали ёки зарарли бўлган ўсимлик ёки ҳайвонни, шу жой табиатининг ён-веридан тафовут қиладиган характерли аломатларини, уруғ-аймоқлар жуғрофиясини аниқ ифода эта олишдадир. Топонимлар халқ каби оддий. Халқ орасида яхши ҳам, ёмон ҳам бор дегандек, жой номлари ичида чиройли, гўзал номлар билан бир қаторда кулоққа у қадар ҳуш ёкмайдиган топонимлар ҳам бўлади. Масалан: Хуморроз, Тентаковул. Худди ана шундай номлар ўта ифодали бўлиб, уларни шу жойнинг табиати, тарихи, иқтисодиётини акс эттирмайдиган замонавий ҳавойи сўзлар билан алмаштиришга шошилмаслик керак. Жуғрофий номларда халқнинг муҳаббати ҳам, нафрати ҳам, эътибори ҳам ўз ифодасини топади. Топонимиканинг бир қонуни оммавий ҳодиса-воқеалар орасидаги кам топиладиганини ажратиб кўрсатишдир.

Э.М.Мурзаев топонимика бу бир вақтнинг ўзидаги лингвистик, тарихий ва географик илмий фандир деб ҳисоблайди. Ҳар бир топоним турли хил маълумот: тарихий, географик ва лингвистик маълумотга эга, номланиш жараёни бу ўзининг миллий ва тил хусусиятига эга бўлган халқ ижодининг жараёни деб ҳисоблайди.

Географик номлар, уларни у ёки бу мамлакатларда, вилоятларда ёки ўлкаларда юзага келганлиги, таркиб топганлиги ва тарқалганлиги даврининг, тарихий шароитини гувоҳи ҳисобланади. Тарихчилар, археологлар ва этнографлар топонимикага тез-тез мурожаат қилиб турадилар. Топонимика тарихий география билан боғлиқдир. Географик номларга қараб аҳолининг ўтмиш миграцияси тўғрисида, турли хил миллатларнинг бири-бири билан алоқалари тўғрисида, қадимий этнослар ареаллари тўғрисида хулоса чиқарадилар. Ўз навбатида, топонимикани юзага келиш вақти билан тўғри келадиган конкрет тарихий вазиятни билмасдан, унинг бирламчи мазмунини тушуниш қийиндир.

Географик номлар минг йиллар давомида тўпланиб келган ва уларнинг миқдори ер куррасида жуда кўпдир. Ҳозиргача маҳаллий номлар тўпламини қандай рақам билан ифода этиш мумкинлигини ҳеч ким билмайди. Бу ишни қилишни имконияти ҳам деярли йўқдир. Чунки шундай номлар борки, улардан фақатгина қандайдир қишлоқларда ёки манзилгоҳларда яшайдиган, чекланган миқдордаги кишиларгина фойдаландилар. Буларга бедапоярлар, яйловлар, чакалаклар, дарёчалар, кўлмакларнинг номлари киради. Агар уларни ўрнига янги қишлоқлар, заводлар, шаҳарлар юзага келса, улар кенг маълум бўлади. Аммо агар аҳоли яқин атрофда жойлашган шаҳар ёки қишлоқлардан кетиб қолса, бу қишлоқнинг номи унутиб юборилиши ҳам мумкин.

Географик номлар кишиларнинг иш фаолияти жараёнида юзага келади, кўпинча унинг шакли ва товуши ўзгаради, ўз даврини яшаб бўлгач, ҳалок бўлади. Топонимларни ҳаётийлигининг давомлилиги ҳар хил. Бир хилларининг ҳаёти бир неча йиллар давом этади. Бошқаларники эса, кўп асрлар давом этади. Масалан Иерусалим, Иордания, Рим, Афина, Александрия, Самарқанд, Ереванларнинг номлари бир неча минг йилликларга тенг бўлишига қарамасдан, ҳозирги кунда ҳам барҳаётдир. Ассирия, Вавилон, Карфаген ва Финикия бизга фақатгина тарихий ҳужжатлар орқали маълумдир.

Кўпинча фақатгина топонимлар йўқолмасдан, балки уларни яратган тиллар ҳам йўқолиб кетади. Бу жараён дунё харитасида кўп микдорда янги номларнинг туғилиши билан ҳам мураккаблашади. Аллақачонлар ҳеч ким октябр тўнтаришидан олдин Новосибирски Новониколаевск, Кировоградни Елизаветоград деб аталганлигини, ёки Шўролар даврида Екатеринбургни Свердловск, Окмачитни Қизил Ўрда, Остонани Целиноград деб аталганлигини эслолмайди. Сирдарё вилоятида ҳам тарихий воқеалар топонимларнинг ўзгариб боришига сабаб бўлган. Масалан чор Россияси мустамлакачилиги даврида Конногвардейский, Спасский, Великоалексеевский каби жой номлари шўро империяси даврида Красная Заря, Октябрь, Малик деб ўзгартирилган, мустанкилик йиларида эса Уч қахрамон, Дўстлик деб ўзгартирилган. Тарихий воқеа-ҳодисаларнинг топонимларга таъсирининг сабаби шундаки, бу даврлардаги ҳукмрон мафкуралар давлат ва жамият ҳаётига кучли таъсир қилган.

Ҳар бир топоним турли – тарихий, географик, лингвистик маълумотга эга. Исталган географик номнинг конкрет мазмуни мавжуд. Амалда мазмунсиз ном бўлмайди. Номланиш жараёни бу ўзининг миллий ва тил хусусиятга эга бўлган халқ ижодининг жараёнидир. Географик номлар, уларни у ёки бу мамлакатларда, вилоятларда ёки ўлкаларда юзага келганлиги, таркиб топганлиги ва тарқалганлиги даврининг тарихий шароитини гувоҳи ҳисобланади.

Топонимика ўз тараққиёти давомида тарих, география, тилшунослик, археология, этнография, ўлкашунослик ва бошқа фанлар билан узвий ҳамкорлик қилади. Топонимикага оид маълумотлар тадқиқ қилинаётганда тарихий маълумотларга, айниқса археологияга оид текшириш натижаларига суянган ҳолда иш кўриш зарур. Чунки: топонимика кўпинча тарихий далилларга ва исботларга муҳтож. Масалан, бирор ёдгорликнинг номини ўрганиш учун албатта унинг қайси даврда яратилганлигини, тарихий давр шароити муҳити нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш талаб этилади.

Топонимика ўлкашуносликнинг ажралмас бир қисми ҳисобланади. Топонимиканинг энг катта хизмати шундаки, номаълум жойларни бизга маълум қилади. Топонимика оид маълумотлар йиғишда ва жой номларининг келиб чиқишини ўрганишда этнография ҳам муҳим рол ўйнайди.

Топонимиканинг аҳамияти тарих фани учун жуда каттадир. Унда археология ва тарихий ҳужжатларда тасвирланган кўп маълумотлар бор. Кўпчилик номлар ёзма ҳужжатларга нисбатан қадимийроқ.

Хуллас, тил халқни, жой номларини ҳам халқ яратади. Асрлар оша етиб келган топонимларни излаб топиш, чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш топонимика фанининг асосий мақсадидир. Ушбу топонимларни авайлаб, эъозлаб келажак авлодга етказиб бериш топонимика фанининг олдида турган муҳим вазифадир.

Адабиётлар:

1. Ғуломов П. Топонимика ва географик атамашунослик. – Т.: 2000.
2. Мурзаев Э. Топонимика популярная. – М.: Знание, 1973.
3. Қораев С. Топонимика. - Т.: 1970.
4. Ҳасанов Ҳ. Географик номлар сири. – Т.: Ўқитувчи, 1985.
5. Дала ёзувлари. Р.Фозилов, 63 ёшда. Дўстлик кўргонида истикомат қилади.